VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

12 (21) 2009 йил 25 март, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz



### Партия ташкилотлари байрамни муносиб нишонламоқдалар

Наврўзи оламни халқимиз ўзгача руҳ, ўзгача кайфият билан нишонлайди.

3-бет



### Юртимнинг юрагисан, Тошкент

Мустақиллик шарофати ва Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида шаҳар қиёфаси буткул ўзгарди. 1991 йил 1 сентябрда Тошкентдаги марказий майдонни Мустақиллик майдони деб аташ ҳақида Ўзбекистон Президенти Фармони эълон қилинди.

4-бет



### Юксалиш йиллари

Бу бежиз эмас. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари қатори таълим соҳасини ҳам тубдан ислоҳ қилиш вазифаси кун тартибига чиқди. Юртбошимиз ташаббуси билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқилиб, соҳани жадал ислоҳ қилишга киришилди.

7-бет

MT БУГУНГИ СОНДА:


ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
- Обод қишлоқ — юрт кўрки
- Партия фаолиятига янгича ёндашув — давр талаби

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
- Миллийлик кўзгуси
- Ёшлар эртамиз эгалари
- Келгусида мониторинг олиб борилади
- Маҳалла — қадриятлар бешиги

НИГОҲ 4-бет
- Ёшларимиз камолоти — келажак равнақидир

ЖАРАЁН 5-бет
- Баркамол ва соғлом ўғлонлар
- ОИТС: у ҳақда нималарни биласиз?

МАЪНАВИЯТ 6-бет
- "Чавқи"ни бугун ҳамма танийди
- Поклик ва эзгулик байрами

ИСТИҚБОЛ 7-бет
- Ҳам мўл, ҳам қадрли неъмат
- Дунёдан дараклар

МАДАНИЯТ 8-бет
- Кўзгуда қишлоқ ҳаёти
- Яхши оилалар сараланди




Таълимдаги ислоҳотлар самараси. 7-бет

2009 ЙИЛ – ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

## Фуқаролар йиғинларига – ахборот технологиялари

**Ғиждувон туманидаги Кўкча қишлоқ фуқаролар йиғини замонавий ахборот-компьютер жиҳозлари билан таъминланди.**

– "Маҳалла" жамғармасининг байрам совғаси бизни ғоят хурсанд қилди, – дейди фуқаролар йиғини раиси Ирисгул Қорабоева. – Ушбу жиҳозлар ҳудудимиз аҳолиси ҳақида, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид маълумотларнинг электрон базасини яратиш имконини беради.

Ғиждувон туманида яна 28 қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини мана шундай имкониятга эга бўлди. Бухоро вилояти бўйича 96 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси компьютер ва 72 таси мебель анжомлари билан таъминланди.

– Вилоятимизда 546 қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда, – дейди "Маҳалла" жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси Беҳбуд Жумаев. – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иш шароитини такомиллаштириш борасидаги тадбирлар изчил давом эттирилади.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

ЭЪТИРОФ

**Айни кунларда бутун Ўзбекистонимиз бўйлаб миллий қадриятларимиз кўзгуси бўлмиш Наврўзи олам кенг нишонланяпти. Ана шундай шукуҳли кунларда қалбимиз тубида соҳир туйғулар кечади. Ўтказилаётган тадбир ва халқ сайилларида юртдошларимиз қатори хорижлик меҳмонлар ҳам иштирок этишмоқда. Қуйида уларнинг байрам таассуротлари билан ўртоқлашдик.**

## Ўзбекистон байрамлари бошқача

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**



**Отомо Хиромичи, Ўзбекистон-Япония маркази япон тили ўқитувчиси:**

— Ўзбекистон ва унинг халқи ҳақида илк бор мақтов гапларни эшитганимда мамлакатингизда бўлиш иштиёқи уйғонган. Дарҳақиқат, ўзим гувоҳи бўлганимдек ўзбек миллатидек бағрикенг, меҳмондўст, очиқкўнгил халқ ҳеч бир юртда бўлмаса керак. Тўрт йилдан буён ўзбек ёшларига япон тилини ўргатаяпман. Ана шу давр мобайнида ўзбекларнинг маданиятини ҳам имкон қадар ўргандим. Буни қарангки, япон ва ўзбекларнинг ўхшаш томонлари жуда кўп экан. Ўзбекистондаги ҳар бир байрам бир-биридан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айниқса, Наврўз менинг энг севимли байрамларимдан бирига айланган. Сабаби, бу кунда юртингиз янада гўзаллашади. Талабаларимдан Наврўз ва унда тайёрланадиган миллий таомлар ҳақида турли афсона ҳамда ривоятлар эшитганман.

Сумалакни хуш кўрмайдиган киши топилмаса керак. Уни илк бор тановвул қилганимда шираси тилни ёрадиган бу мазали таомга қанча шакар солинишини сўраганман. Сумалакни узоқ пишириш жараёнида унга ана шундай табиий маза киришини айтишган.

Ҳа, Ўзбекистонни бежизга серқуёш ўлка деб аташмас экан. Унинг қуёшида тобланган ҳар қандай мева ёки ўсимликка табиий шира эниши рост экан. Кўпчилик мендан юртимга қачон қайтишим ҳақида сўрашади. Аммо менинг Ўзбекистондан ҳеч ҳам кетгим келмайди. Ҳатто бутун умр қолишга ҳам тайёрман. Фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбек халқини Наврўз билан чин дилдан қутлайман.

(Давоми 5-бетда)

## Қирғизистонда 1-Қамбарота ГЭСи қурилишига доир муаммолар хусусида

Қирғизистон Республикаси бош вазири Игорь Чудинов шу йил 16 мартда V Бутунжаҳон сув форумида сўзга чиқиб, "Тўхтағул сув омбори тепасида жойлашадиган Қамбарота ГЭСлари қурилиши ҳали Совет Иттифоқи мавжуд бўлган даврда бошланган, ўша вақтдаги барча Ўрта Осиё республикалари манфаатлари ҳисобга олиниб, экспертизадан ўтказилганлигини" баён қилди. Бу фикр анчайин жиддий бўлиб, масала моҳиятига аниқлик киритишни талаб қилади.

Биринчидан, И.Чудинов шу маънода ҳаққи, Қамбарота ГЭСи лойиҳаси КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1980 йил 9 октябрдаги қарори асосида бошланган бўлиб, унга СССР гидроэнергетикасини 1981-1990 йилларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган эди.

Мазкур қарорга кўра СССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида 1984 йил 27 мартда чиқарилган буйруққа биноан, 1 ва 2- Қамбарота ГЭСларини лойиҳалаш ва қуришнинг асослантирувчи материаллари тасдиқланган эди, холос. Бундан бошқа ҳеч нарса бўлмаган. Амалда бу лойиҳа совет тоталитар даврининг "барқ уриб гуллаган" пайтида туғилган "коммунизмнинг буюк қурилишлари" туркумларига мансуб бўлиб, унинг асосий тамойилларидан бири: "Биз табиатдан хайр-эҳсон кутиб ўтиролмаймиз, балки уни бўйсундириш- бизнинг вазифамиз" деб аталар эди. Мазкур тамойил экология устидан, инсонлар устидан зўравонликка асосланганди.

Иккинчидан, экспертиза деб аталмиш масалага келсак, бундай қараш ҳақиқий воқеликка асло мос келмайди. У даврда экспертизанинг ўзи йўқ эди, КПСС МК ва СССР Министрлар Совети қарорларини ҳеч ким муҳокама қила олмасди. "Партия планлари-халқ планлари" деб аталган муфкуравий тушунча ҳар қандай экспертизадан устун турар ва ақл бовар қилмайдиган қарор ҳам ижро учун директив кўрсатма ҳисобланарди, "экология" тушунчаси эса шўро луғатларида ўзгача фикрловчи, борингки табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида бўлса ҳам, "совет ҳокимияти душманлари"ни излашни ифодаловчи сўз эди.

Қирғизистон Республикаси вакили ўз нутқида тилга олган даврда табиатдан фойдаланиш, сейсмология, ирригация ва бошқа турдош соҳалар мутахассислари "партиянинг бош йўли"га номенкулатура бюрократияси қонунларига монанд хизмат қилишлари шарт эди. Шу маънода Совет Иттифоқи даврида гўё "барча Ўрта Осиё республикалари манфаатлари ҳисобга олиниб, экспертизадан ўтказилди" деб айтишнинг ўзи анчайин гўллик бўлур эди.

Мутахассисларга маълумки, бу лойиҳа ҳам, "асрнинг кўламдор лойиҳалари" деб ном олган бошқа лойиҳалар ҳам ҳеч қачон экологик экспертизадан ўтказилмаган эди. Чамаси, Орол денгизининг қуриб қолишидек оламшумул ҳалокатга олиб келган Тўхтағул ва Нурек ҳам Марказий Осиё республикалари "манфаатлари"ни кўзлаб бунёд этилган эди. Қирғизистон "манфаатлари"ни кўзлаб эса улкан мамлакатнинг 15 дан бир қисмини ташкил этган шу ҳудуд радиоактив чиқиндилар ахлатхонасига айлантирилди. Ёки Қозоғистон "манфаатлари"ни дея Семипалатинск полигони вужудга келтирилиб, бу ҳудуд юз йилларга яшаш ва хўжалик фаолияти юритиш учун яроқсиз ҳолатга келтирилмадими?

Совет давридаги Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Марказий Осиё томонга буриб оқизишга доир шов-шувли лойиҳаларнинг қисмати нима бўлди?

Бу рўйхатни яна давом эттиришимиз мумкин.

Ўз-ўзидан аён ва ҳар бир соғлом фикрли кишига тушунарлики, бундан 30 йил муқаддам қабул қилинган бундай лойиҳалар мустақил, холис экспертизадан ўтказилиши керак ва улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

биринчидан, ушбу лойиҳалар замонавий лойиҳалаштириш ва лойиҳавий қарорлар қабул қилиш даражаларига қанчалик мос келади;

иккинчидан, уларда турли офатлар, табиий ва техноген ҳалокатлар рўй бериши мумкинлиги қанчалик тўлиқ ҳисобга олинган;

учинчидан, ушбу лойиҳалар улар амалга оширилганидан кейин у сиз ҳам минтақада таранглашган экологик ва сув таъминоти мувозанатига қандай даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўйлайманки, 1-Қамбарота ГЭСидай улкан миқёсдаги иншоотни техник-иқтисодий асослашни тайёрлашга киришишдан олдин муқаррар равишда БМТ шафелидаги комиссия томонидан халқаро, бетараф, холис экспертиза ўтказилиши талаб қилинади. 1-Қамбарота ГЭСи сингари йирик гидроиншоотлар лойиҳаси тўғрисида гап кетар экан, унга тааллуқли барча масалаларга холисона баҳо бера оладиган мутлақо бетараф, обрў-эътиборли мутахассислар ана шундай комиссия таркибига жалб этилиши лозим бўлади.

Замондошларимиз ҳамда келгуси авлодлар учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу масалалардан жаҳон жамоатчилиги диққат-эътиборини чалғитишга уринишлар зинҳор ўзини оқламайди.

**С.ЖИГАРЕВ,**
**"Гидропроект"ОАЖ директори**

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# ЖАРАЁН


## “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Азиз Ватандошларимизни борлиқни гулларга буркаган, юртимизга қут-барака, олам-олам қувонч ва шодлик олиб келган баҳор айёми билан табриклайди.

Наврўз шукуҳи ҳеч биримизни йил бўйи тарк этмасин.



ЮРТИМИЗГА ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗ!

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚЫЗКЕТКЕН - КЕГЕЙЛИ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни баҳор айёми - Наврўз байрами билан чин дилдан табриклайди. Саховатли она заминимиз узра чарақлаб турган куёш нурлари дилларимизга илиқлик олиб кирсин.




ЭЪТИРОФ

## Ўзбекистон байрамлари бошқача

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Пак Канг Юн, Ўрта Осиё ва Корея Республикаси маданий алоқалари ассосацияси раиси:**



— Ўзбекистонни мен ҳамиша иккинчи ватаним деб атайман. Чунки бу юртда қайта туғилганман. Қарийб 12 йилдан буён ана шу бепоён, жаннатмакон юртда яшаяпман. Корейс ва ўзбек халқлари маданияти бир-бирига жуда ўхшаш. Балки шунинг учун ҳам бу икки халқ қалбан ҳам яқиндир.

Ўзбеклар ўзининг миллий урф-одатлари, қадриятлари билан бошқа халқлардан тубдан фарқ қилади. Деярли барча байрамларни улар билан бирга нишонлайман. Айниқса, Наврўз менда буткул бошқача таассурот уйғотади. Миллий куй-қўшиқлар, таомлар, янги кундан хушнуд бўлиб варрак учираётган болалар байрамга ўзгача завқ бағишлайди. Барча ўзбек юртдошларимга янги кун муборак бўлсин.

* * *

**Паул, Рэйчил Гатеслар, инглиз тилшунос тадқиқотчилари:**



— Ўзбекистонга келишимиздан олдин унинг тарихи, миллий урф-одатлари ва қадриятларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Аммо келганимиздан кейин китобларда ёзилгандан-да зиёда эканлигига гувоҳ бўлдик. Биз Ўзбекистонга ўтган йили баҳорнинг сўнгги ойида келган эдик. Шу вақт оралиғида ўзбек тилини ўрганишга, барча тарихий шаҳарларда бўлишга ҳаракат қилдик. Китобларда ўз ривоятлари билан бизни мафтун этган Наврўз байрамининг тезроқ келишини интиқлик билан кутганмиз. Шу куни биздан бахтли инсон йўқ эди. Самарқанд, Бухоро ва Андижон вилоятларида бўлганимиздан кейин вилоятлар урф-одат ва анъаналари бир-биридан фарқ қилишини кўрдик. Қизиғи шу пайтгача бу борада ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз. Наврўз айёмида биз оиламиз билан халқ сайилларида иштирок этдик. Истироҳат боғларида сумалак, ҳалим, ош, кўк сомсалардан тановвул қилдик. Очиғи жуда ҳам яйрадик. Бир олам таассурот олдик. Ютимизга ёз ойларида қайтамиз. Бироқ келгуси йил ҳам Наврўз байрамини Ўзбекистонда кутиб олиш ниятидамиз.

ТАЪЛИМ

## Баркамол ва соғлом ўғлонлар

### Самарқанд ўқув спорт-техника клубида тарбияланишади

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ, “Milliy tiklanish” мухбири**

Мамлакатимиз Қуролли Кучларига, халқ хўжалиги тармоқларига оммавий техник касб мутахассисларини тайёрлаб бериш, ёшларни чақирувга тайёрлаш, уларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, ҳарбий хизматга чақирилувчи ўғлонларда бошланғич билим ва кўникмаларни ошириш, спортнинг техник ҳамда амалий турларини ривожлантиришда Самарқанд тумани “Ватанпарвар” кенгаши тасарруфидаги ўқув спорт- техника клубининг ҳиссаси катта. Клуб 2004 йилда Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти туман автомобиль мактаби қошида ташкил этилган. 2008 йил мамлакат бўйича ўтказилган “Баги-1” йўналишидаги кузги автоспорт мусобақаларида биринчи ўринни, мусобақанинг 2-босқичида эса учинчи ўринни эгаллашди.

- Ёшларимизга ҳайдовчилик сир-асрорлари, автомобиль спорти ҳақида кенгроқ тушунча беришга ҳаракат қилаяпмиз,- дейди клуб директори Жамшид Азизов. - Кенгашимизнинг 200 га яқин бошланғич ташкилотлари мавжуд. Улар билан бирга йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш борасида иш олиб борамиз. Мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида, корхоналарда ва ён-атрофдаги маҳаллаларда мутахассис ўқитувчиларимиз ЙҲҚ билан боғлиқ мунтазам суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб боришади. Ўқувчилар автомобиллар тузилиши, ундан фойдаланиш, йўл ҳаракати қоидаларини видео лавҳалар ёрдамида ўрганишади. Ҳозирда бешта ўқув хоналари, машқ автомобиллари ҳар томонлама жиҳозланиб, шай ҳолга келтириб қўйилган. Шунингдек, ўқувчилар бу ерда компьютер ва бошқа замонавий воситалардан фойдаланиш имконига эга. “В”, “ВС” тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш учун учта юк автомобили, тўққизта ўқув машқ машиналари мавжуд. 2008 йилда “В” тоифа бўйича 100 нафар, “ВС” тоифа бўйича 180 нафар ўқувчи ўқитилиши мўлжалланиб, бу ишлар ошиғи билан бажарилди. Спорт - техника клубида ҳукуматимиз томонидан соҳага оид қарорлар ва амалдаги қонунлар кенг тарғиб этилади. Бу борада мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят кенгаши раҳбарияти, вилоят ЙҲХБ 2-ТРИБ ходимлари, туман ҳокимлиги яқиндан кўмаклашмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, спорт-техника клуби жамоаси малакали мутахассислар тайёрлашга бор билим ва тажрибаларини сафарбар этаётган барча соҳа ходимларини, азиз юртдошларимизни Наврўз байрами билан самимий табриклайди.

tR

ТАДБИР

## ОИТС: у ҳақда нималарни биласиз?

**Мухлиса МУҲИТДИНОВА**

ОИТС касаллиги инсоният олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Афсуски, унинг давоси ҳозирча топилмаган. Бироқ, касалликнинг олдини олиш мумкин. Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали услубчиси шифокор Н.Аҳмедова ҳамда Учтепа туман Саломатлик маркази услубчи-шифокори А.Ҳасанхўжаев ёшлар билан учрашиб ОИТС касаллиги, унинг олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан қимматли маълумотлар бериб келишмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири А.Хўжаев номидаги республика Дизайн коллежида бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида ўқувчиларнинг билимларини синаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Шундан сўнг, ОИТС ва ОИВ, унинг олдини олиш, касалликнинг юқиш хавфи ҳақида йиғилганларга батафсил тушунча берилди. Касаллик нафақат жинсий йўл орқали, балки, санчилувчи, кесувчи турли тиббий ва маиший асбоблар воситасида (шприцлар, устара, стерилланмаган тиббий асбоблар, қайчи, тирноқ тозалагич ва ҳоказо) юқиши алоҳида таъкидланди. Тадбир якунида қайта ўтказилган анкета сўровномаси ўқувчиларнинг бу борадаги тиббий билими, бироз бўлса-да ошганлигини кўрсатган. Шундан сўнг, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига шифокорлардан керакли жавоблар олишди.

